

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ Қўллаб-қувватлашга оид ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг вазифалари қайта кўриб чиқилди, туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмиталари тузилмасида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлиналари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди, шунингдек, "Мўътабар аёл" кўрак нишони таъсис этилди, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатларини қўллаб-қувватлашнинг янги тизими яратилди.

Шу билан бирга хотин-қизларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, тадбиркорлик соҳасида самарали фаолият юритиш механизмларини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд.

Жумладан, узоқ муддат бола парваришlash билан банд бўлган аёлларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича қайта тайёрлаш борасидаги ишлар етарлича ташкил этилмаган.

Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ва одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 майдан: аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилинади;

тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланади;

бола парваришlash таътилининг камида уч ойи ота томонидан фойдаланилган тақдирда, ота ёки онадан бирига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддаси тартибида қўшимча бир ой нафақа тўланадиган бола парваришlash таътили берилади;

ички ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига уларнинг иш пайтидаги дам олиш ва овқатланиш, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ҳисобидан иш берувчи билан келишган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини белгилаш ҳуқуқи берилади;

аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади;

эркак ва аёллар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судларда кўриб чиқилишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланади.

2. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари кўмағида нодавлат нотижорат ташкилот мақомига эга бўлган хотин-қизлар тадбиркорлик марказларини (кейинги ўринларда марказлар деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

3. Қуйидагиларни марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилаш тавсия этилсин:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда узоқ муддат бола парваришlash таътилида бўлган, мушкул иқтисодий аҳволга тушган аёлларни меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш;

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларни марказларга жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш;

Давоми 2-бетда ➡



Кўклам – айна дала ишлари бошландиган, ризқ-рўзимизни яратиш учун ерга ишлов бериладиган, ариқ-зовурлар тозаланиб, сув йўллари очиладиган мавсум.

Бугун она замин бағрига тушган баҳор донга уруғ қузда юз донага айланади. Янги парваришланган ҳар бир кўчат ҳадемай мевага киради, дастурхонимизни тўкин қилади.

Баҳор нафаси кезиб юрган шу кунларда дала ва боғларда ишлар қизгин олиб борилмоқда. Қаерга борманг, атрофдаги мева дарахтларга чиройли шакл берилганига, йўллар четига кўчатлар экилаётганига кўзингиз тушади. Ҳадемай эшик қоқадиган катта байрам – Наврўзи олам олдида жойларда барча бирдек маҳалласи, кўчасини тартибга келтиришга ўз хиссасини қўшишни ният қилган.

Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар



КўНГИЛЛАР ОБОД – МАНЗИЛЛАР ОБОД



ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Анъанага мувофиқ, Нурафшон шаҳрида таянч пунктлари профилактика инспекторлари, маҳалла раислари ва фаолларини тақдирлашга бағишланган навбатдаги маросим бўлиб ўтди.

Рағбат

Тадбирда бугунги кунда вилоятимиз бўйлаб жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда изчиллик билан олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида жиноятчилик сезиларли даражада камайгани, жорий йилнинг ўтган даври давомида кўплаб маҳалла-

ларда бирорта ҳам жиноят содир этилмагани таъкидланди.

Бундай натижанинг асоси, албатта, маҳалла раиси ва фаоллари ҳамда профилактика инспекторларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти тўғрисидаги фидойи инсонларнинг машаққатли меҳнатларини муносиб рағбатлантириб бориш иш самарадорлигининг ошишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу муносабат билан тантанали маросимда 300 нафар ички ишлар ходими ва 100 нафар маҳалла фаолига мукофотлар топширилди. Тақдирланганлар эътибор ва рағбат учун миннатдорлик билдириб, бу уларга янада катта масъулият юклашини айтиб ўтдилар.

Ўз мухбиримиз
Беҳзод ШАҲОБИДДИНОВ
олган сурат



Таассурот

Бир пайтлар қишлоқ деганда аксариятнинг кўз ўнгига пасқам, девори нураб ётган уйлар, ёгингарчилик фаслида балчиққа, ёзда чангга қоринган кўчалар гавдаланарди. Чунки, кўплаб чекка қишлоқларнинг асл қиёфаси шундай эди-да. Лекин, бугун вазият шиддат билан ўзгараётти.

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ, ҚИШЛОҒИМИЗГА

Давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари, бевосита ташаббуслари билан мамлакатимизнинг барча туман, қишлоқ, овулларида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари бўйича ишлар жадаллик билан давом этмоқда. Давлат бюджетидан миллиардлаб маблағлар ажратилмоқда. Кўплаб чекка ҳудудлардаги қаровсиз аҳволга келиб қолган, яшаш учун газ, электр энергияси у ёқда турсин, лоақал тоза ичимлик суви бўлмаган қишлоқлар бугун шу дастурлар асосида обод бўлаётгани ўша жойдаги аҳолининг давлатдан, олиб борилаётган сиёсатдан рози бўлиб яшашига замин ҳозирламоқда.

Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани, Гагарин шаҳарчаси ҳам бундан уч йил илгари юқоридаги қишлоқлар қаторида эди. Аммо, бугун олдинги шаҳарча билан ҳозиргисининг орасида ер билан осмонча фарқ бор.

Кенг ва ёруғ кўчалар, асфальт йўллар, ҳашаматли бинолар, замонавий тураржойлар кишининг бахридилини очади. Шоир таъбири билан айтганда, бу жойни ўз кўзинг билан кўргинг, яшагинг келади.

Тошкент вилояти ҳокимининг ташаббуси билан вилоятдаги туман ҳокими ўринбосарлари, ободонлаштириш бўлими бошлиқлари, хотин-қизлар кўмитаси раислари Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани, Гагарин шаҳарчасида бўлишди. У ерда истикомат қилаётган аҳоли билан яқиндан танишиб, яратилган шароитларни ўрганишди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса Тошкент вилоятидаги туман ва шаҳарларда "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастури асосида амалга оширилаётган қишлоқ ва маҳаллаларни ҳам Гагарин шаҳарчасидек қиёфига келтириш.

46 миң фуқаро хизматида

– Туман кўп тармоқли марказий поликлиникамиз ноль қийматда бунёд этилган бўлиб, беш ярим миллиард сўм атрофида маблағ сарфланди, – дейди Мирзачўл тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси бош шифокори Сайдулла ХИММАТОВ. – Айни пайтда, 80 нафар ходим 46 миң фуқарога хизмат қилмоқда. Муассасамиз тиббиётда зарур бўладиган замонавий ускуналар, УЗИ, рақамли рентген аппаратлари билан таъминланди. Лаборатория жиҳозлари тўлиқ келтирилганлиги сабабли бу ерда 36-40 турдаги тахлиллар ўтказилмоқда.

Давоми 4-бетда ➡

Давоми 4-бетда ➡

«Саодат сайлига савоб керакдир, Кўнгилинг майлига китоб керакдир...»

Шу мисраларни ёзган халқ шоири Маҳмуд Тоир ўз сўзига ўзи амал қилиб, Паркент туманида муҳташам "Китоб олами" мажмуаси қурилишининг ташаббускори бўлди



Буюк маърифатпарвар бобоми Абдуҳамид Чўлпон ҳазратлари бундан юз йил муқаддам "Адабиёт яшаса – миллат яшайди" деган улуғвор гоғни ўртага қўйганларида юз қарра ҳақ

бўлганларини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб, исботлаб турибди. Зотан, адабиёт равнақи, баркамол авлод тарбияси, илм-фан ривожини, юрт тараққиёти, энг аввало, китобхонликдан бошланади.

Куни кеча туман марказида мана шу ажойиб Наврўз иншооти – халқимизга зиё улашувчи кўркем ва замонавий маърифат масканининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу маънода, Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори мана шу эзгу мақсад йўлида катта имкониятлар яратиб бераётган муҳим тарихий қарор бўлди, десақ янглишмаймиз.

Айни пайтда мазкур ҳужжат ижроси доирасида вилоятимиз-

да муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган қисқа фурсатда туман ва шаҳарларда 40 дан ортиқ катта-кичик китоб дўконлари, жумладан, ихтисослашган "Китоб олами" мажмуалари барпо этилгани юқорида тилга олинган қарор ўз мазмун-моҳияти ва амалий натижалари билан халқимизга чин маънода хизмат қилаётганининг тасдиғидир.

Паркент тумани фаоллари, фахрийлар, кўп сонли китобсеварлар, ижодкор ёшлар иштирокида фаолиятига "оқ йўл"

тилланган янги мажмуа ҳам мамлакатимизда китобхонликни кенг тарғиб этиш, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самараси туфайли жуда қисқа фурсатда бунёдга келди.

Шу заминда камолга етган маърифатпарвар шоиримиз Маҳмуд Тоирнинг бевосита ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан қуриб битказилган замонавий "Китоб олами" мажмуаси тобора кўркем ва салобат касб этиб бораётган Паркент тумани марказига узукка кўз қўйгандек ярашибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ВА
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

аёлларнинг ўз бизнесини ташкил этиш ва юри-
тиш кўникмаларини шакллантириш, бизнес ғояла-
рини тайёрлашда консултация ёрдам бериш, шу
жумладан, лойиҳа бизнес-режасини тайёрлаш,
солиққа тортишнинг турли режимидаги талаш
ва қўллаш, бухгалтерия ҳисобини юришти, замо-
навий ахборот технологияларида фойдаланиш ва
бошқа йўналишлар бўйича ўқитишни ташкил этиш;
зарур ҳолларда фаолиятини бошлаётган тadbир-
кор хотин-қизларга маҳаллардаги бўш турган
бинолардан жой ажратилишига кўмаклашиш;

тadbиркор аёлларга ва тadbиркорлик билан
шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга
ўз бизнесини ташкил этишда зарур маслаҳатлар
бериш ва амалий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан,
ишончли ҳамкорларни топиш, минитехнологиялар
ва ускуналар сотиб олишда кўмаклашиш, ишлаб
чиқарилган маҳсулотларнинг реализация қилини-
шига кўмаклашиш;

норасмий фаолият юритаётган хунарманд аёл-
ларга рўйхатдан ўтиш, "Хунарманд" уюшмасига
аъзо бўлиш орқали солиқлар ва бошқа турдаги
имтиёзлардан фойдаланишда ҳамда имтиёзли
кредит олишда амалий ёрдам кўрсатиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:
марказлар бизнес-инкубатор шаклида хотин-
қизларнинг тadbиркорлик, хунармандчилик фаоли-
ятини, шу жумладан, оилавий тadbиркорлик фао-
лиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсади-
да Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш
жамоат фонди маблағлари ҳисобидан ташкил эти-
лади;

марказларни сақлаш, моддий-техника базасини
мустаҳкамлаш ва асосий вазифалари амалга оши-
рилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар Хотин-
қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат
фондида тижорат банкларига имтиёзли кредит
ажратиш учун берилган ресурслардан ҳисоблан-
ган фойданан келиб тушган маблағлар (банк мар-
жасидан ташқари) ҳамда халқаро ташкилотлар
грантлари маблағлари ҳисобидан молиялаштири-
лади;

тadbиркорлик билан шуғулланиш истагини бил-
дирган хотин-қизлар туман (шаҳар) ҳокими ва туман
(шаҳар) хотин-қизлар кўмитаси томонидан шакл-
лантирилган рўйхат асосида махсус ўқитиш
дастури бўйича ўқитилади;

махсус ўқитиш дастурларини муваффақиятли
ўзлаштирган хотин-қизлар орасидан тегишли ту-
ман (шаҳар) хотин-қизлар кўмитаси раиси тавсия-
сига кўра тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш
учун 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга 6 ойлик им-
тиёзли давр ва йиллик 8 фоиз ставкада имтиёзли
кредитлар ҳудудларда аҳоли бандлигини таъ-
минлаш ва оилавий тadbиркорликни ривожлан-
тиришни кредитлаш тартиблари асосида ажра-
тилади;

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш
жамоат фонди томонидан тижорат банкларига ҳар
йили ажратиладиган 100 миллиард сўм ресурс
маблағлари имтиёзли кредит маблағларининг
манбаси этиб ҳисобланади. Мазкур ресурс маб-
лағларининг камида 50 фоизи қишлоқ ҳойлариди
истиқомат қиладиган хотин-қизларнинг бизнеси-
ни ривожлантиришга йўналтирилади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бир ой му-
датда кредит олиш учун тавсия бериш жараёни-

нинг адолатли ва шаффоғлигини таъминловчи
тартибни тасдиқласин.

5. Хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл
қўймастик мақсадида Ўзбекистон Хотин-қиз-
лар кўмитаси кўмағида Хотин-қизларнинг
гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича
комиссия 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

6. Қуйидагилар Хотин-қизларнинг гендер тенг-
лигини ҳимоя қилиш бўйича комиссиянинг асо-
сий вазифалари этиб белгилансин:
мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга ва
аёлларнинг ижтимоий турмуш шaroитларини ях-
шилашга қаратилган давлат сиёсатини амалга
оширишда фаол иштирок этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томо-
нидан аёлларнинг гендер тенглиги бузилишига оид
муносабатларни кўриб чиқиш;
касбий сегрегация, иш ҳақи ўртасидаги фарқ,
аҳолининг иқтисодий фаол қатлами орасида аёл-
ларнинг улушини кўпайтириш масалалари бўйича
чора-тадбирларни амалга ошириш;

аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакл-
ларига барҳам бериш бўйича умумэтироф этил-
ган халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатла-
рига имплементация қилиш юзасидан тақлифлар
ишлаб чиқиш;
аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга
қаратилган чораларни белгилаш ва самарали амал-
га оширилишини таъминлаш ҳамда кенг қамровли
тарғибот ишларини ташкил этиш.

7. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Адлия ва-
зирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий мар-
каз билан биргаликда икки ой муддатда:

а) қуйидагиларни назарда тутувчи "Эркаклар ва
аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар
кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Респуб-
ликаси қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белги-
ланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;
гендер тенглик тушунчаси ва турлари;
ваколатли органларнинг вазифалари ва функ-
циялари;
давлат бошқарувида иштирок этиш, ишга қабул
қилиш ёки ёллаш, кредит олиш ва тadbиркорлик
билан шуғулланишда гендер тенгликни таъминлаш-
га оид нормалар;

гендер тенглик бузилишининг олдини олишга
қаратилган чора-тадбирларни, шунингдек, бундай
бузилишга олиб келадиган қилмишларни содир
этганлик учун жавобгарлик;

б) қуйидагиларни назарда тутувчи "Хотин-қиз-
ларни таълим ва зўравонликлардан ҳимоя
қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси
қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган
тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин:
маиший, иш жойидаги ва таълим муассасала-
ридаги таълим ва зўравонликлар турлари;
ваколатли органларнинг вазифалари ва функ-
циялари;

таълим ва зўравонликларнинг олдини олишга
қаратилган чора-тадбирларни, шунингдек, бундай
қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик;
судга ва суд жараёнида таълим ва камситиш-
ларга дучор бўлган шахсларни ҳимоя қилишга қар-
тилган процессуал кафолатлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика
қўмитаси Хотин-қизлар кўмитаси, Бандлик ва меҳ-
нат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш
вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, Адлия
вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Мар-

казий банк, Ер ресурслари, геодезия, картогра-
фия ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда
Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой му-
датда 2-иловага мувофиқ Бирлашган Миллатлар
Ташкилотининг Статистика комиссияси томонидан
тавсия этилган минимал гендер кўрсаткичлар ва
бошқа маълумотларнинг "Gender.stat.uz" веб-сай-
тига жойлаштирилишини ва маълумотлар доимий
равишда янгиланиб борилишини таъминласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кен-
гаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
бир ой муддатда марказларни барча шaroитга эга
бўлган хизмат хоналари билан таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳ-
нат муносабатлари вазирлиги Адлия вазирлиги
ҳамда Хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда
уч ой муддатда қонун ҳужжатларини хотин-қизлар-
нинг меҳнат ва тadbиркорлик ҳуқуқлари камсити-
лиши ҳолатлари мавжудлиги нўқтани назаридан ин-
вентаризация қилиб, тегишли тақлифларни Вазир-
лар Маҳкамасига киритсин.

11. Қуйидагиларга:
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўрин-
босари – Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т. К. Нор-
боева зиммасига ушбу қарорда назарда тутилган
чора-тадбирларнинг давлат органлари ва ташки-
лотлари томонидан самарали амалга оширилиши-
ни мувофиқлаштириш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ин-
вестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар маса-
лалари бўйича ўринбосари Э. М. Ганиев ва Ўзбе-
кистон Республикаси инвестициялар ва ташқи
савдо вазири С. У. Умурзоқов зиммасига Хотин-
қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш
бўйича комиссия билан ҳамкорликда ушбу
қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар ва ло-
йиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия
ташкилотлари, биринчи навбатда, аёлларни қўллаб-
қувватлашга ихтисослаштирилган ташкилотларнинг
техник кўмак воситалари ва кредитларини жалб
қилиш бўйича доимий ва тизимли равишда зарур
ташқирий-амалий чоралар кўриш юзасидан шах-
сий жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ад-
министрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий
телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Респуб-
ликаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент
шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг мазмун-
моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёри-
тилишини ташкил этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарор-
дан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар
тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар ки-
ритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат
қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вази-
ри А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош
вазирининг ўринбосари – Хотин-қизлар кўмита-
си раиси Т. К. Норбоева ва Ўзбекистон Респуб-
ликаси Президенти Администрацияси раҳбари
З. Ш. Низомидинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 7 март

Мардлар кўриқлайди, Ватанни!

АСКАР ЙИГИТ –
АСЛ ЙИГИТ

Ангренлик Маъруфжон Неъматуллаев болалигидан аскар-
лик либосини кийишни орзу қиларди. Бугун у Ватан ҳимоя-
сига отланган аскарлар қаторида эканидан мамнун. Маъруф-
жоннинг таълим масканида олган билимлари, спорт билан
мунтазам шуғулланиши тиббий, жисмоний кўриқдан ва тест
синовларидан муваффақиятли ўтишига замин қаратди.



– Бугун дўстларимнинг менга жуда ҳаваси келди, – дейди Маъруфжон Неъматуллаев. – Айниқса, онамнинг кўзларидаги қувонқ билан менга қарагани менга жуда қimmatли. Мен албатта, яқинларимни ишончини оқлаб, юртимиз сарҳадларини муносиб ҳимоя қиламан.

Вилоят муҳофаа ишлари бошқармасида Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташни мақсад қилган Маъруфжон сингари бир гуруҳ ўғлонлар мундталий ҳарбий хизматга тантанали равишда кузатилди. Унда вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар ва аскарларнинг ота-оналари қатнашишди.

Президентимизнинг 2019 йил 22 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мундталий ҳарбий хизматини ўташ тартибини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, жорий йилдан бошлаб, қақрилиш мундталий келчигириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари март-апрель ойларидан мундталий ҳарбий хизматга қақриладиган бўлди.

Таълим муассасаларида

Сўнгги вақтларда ўқувчилар томонидан турли ҳуқуқбузарликлар, оғир жиноятлар содир этилмоқда. Ҳатто, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бундай ноҳуқликларнинг олдини олиш мақсадида мактабларда психологлар фаолиятини кучайтириш зарурати тугилмоқда.

ЁШЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ



Чиноз туманидаги 1-умумтаълим мактабида "Таълим муассасаларида психологик методлар самарадорлигини ошириш" мавзюда семинар ўтказилди.

Семинарда сўз олганлар, давлатимиз ривожланиши билан таълим соҳаси ривожланишига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳамда ўқитувчиларнинг, шу жумладан, мактаб амалиёт психологларининг ойлук маошлари сезиларли даражада ошганини таъкидлашди.

– Ҳозирги кунда мактабларимизда жами 24 минг 13 нафар ўқувчи таълим оломоқда, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бўлими бошлиғи Ш. Нормуродов. – Мутахассис педагоглар вилоят бўйича 307 нафарни ташкил этади. Бу жуда кам. Хусусан, Чиноз туманида 4 нафар психолог фаолият юритади. Қолган-

Уз муҳбиримиз
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат

Томорқа – ҳазина

КўНГИЛЛАР ОБОД –
МАНЗИЛЛАР ОБОД



– Ободлик бор жойда барака бўлади, – дейди Тошкент туманидаги "Соҳибкор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳикмат Қоплонбеков. – Биз ҳам ҳудудимизни файзли ва кўркам бўлишига алоҳида эътибор қаратганимиз. Баҳор бошланиши билан ҳафтанинг ҳар шанба ва яқшанба кунлари маҳалламизда мунтазам ҳашар ўтказиб келаямиз, кўчаларга гуллар ва кўчатлар экилиб, ариқлар тозаланди. Шунингдек, маҳалла қақристонини ҳам обод қилинди. Бундан ташқари, ҳар бир хонадонга кириб, томорқасини қаровсиз қолдирган оилалар билан ердан унумли фойдаланиш борасида ташвиқот ҳам олиб бораёмиз. Қолаверса, кам таъминланган оилаларга мевали дарахт кўчатлари тарқатдик. Ободлик, саришталлик учун аввало, кишида хоҳиш-истак, жиндай ҳафсала бўлиши керак. Қарангда, бу ишлар ҳеч қандай харажат ёки маблағ талаб қилмайди. Шу оддий ҳақиқатни англамаганлар ҳам борлиги ачинарли.

Маҳалла раисининг айтишича, аҳоли орасида жамоат ишларидан ўзини олиб қочадиганлар ҳам йўқ эмас. Билағида кучи бор айрим азаматлар, ҳашарга чиқиб, одамлар билан бирга меҳнат қилишни ўзларига эп кўришмас экан. Ҳашарда қатнашмагани майли-ку, лекин ўз уйи атрофини тозалаганига нима дейсиз? "Қўлим тегмапти, ишим кўп, вақт йўқ", деган баҳоналар қилишди, уялмай...

Жойларда ўтказилаётган байрамолди ободончилик тadbирларида ўз ташаббуси билан қатнашаётган бир қанча фаол ёшларни ҳам учратиш мумкин. Улар маҳаллалардаги ёлғиз кексалар ва кўмакка муҳтож инсонларнинг уйларини тозалаб, томорқасини ағдариб, экин экишда ёрдамлашишмоқда. Бундан барчаннинг кўнгли равшан бўлмоқда.

Ахир, ободлик кўнгиладан бошланади-да...
Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Мансур ХИММАТОВ олган сурат

Халқимиз ерни ҳазинага қийслайди. Унга қанча меҳринини берсанг, ҳар қаричини ардоқласанг, саховатини сендан аямайди.

Пискент туманидаги "Чўлокўрғон" маҳалласида истиқомат қилувчи Абдуҳаким ота Абдурахимовнинг асли касби ўқитувчилик. У нафақага чиққан, ҳовлисидаги томорқасида иссиқхона қуришга аҳд қилди. Дастлаб, 3 сотих ерда иссиқхона барпо этиб, унга турли кўчатлар, сабзавот экинлари экиб, ҳам тажриба орттириб, ҳам яхшигина даромадга эга бўлди. Ҳозир Абдуҳаким отанинг 3 та қон бўлмадиқ.

Улар қачон қиш уйқусидан уйғонишар экан-а?! Жумладан, "Майлобод", "Лола-арик", "Кўлота", "Саид-обод", "Чимқўрғон", "Гулистон" маҳаллаларидаги хонадонларда бўлганимизда, қопилмаган, бир гийҳ ҳам экилмай, ташландиқ аҳволдаги ерларни кўриб, ачиндик.

Маҳалла фаоллари улар билан тушунириш ишлари олиб боришмоқда. Унутмайлик, кетмони зангалаган хонадонда барака бўлмайди.

Шонра ШОМАТОВА,
Манзура РУСТАМОВА

БИРИДА ЯХШИ,
БИРИДА АКСИ

етаяпти, – дейди Абдуҳаким ота. – Иссиқхоналаримизга йилда икки мартаба экин экиб, 20-30 миллион сўмдан даромад қиламиз. Шунинг орқасидан, фарзандларимни ўқитдим, тўйлар қилдик, машина олдик. Мана кўриб турганимиздек, қорвачиликни ҳам йўлга қўйдик. Етказганига шукр, меҳнатимиз орқасидан қўйган беҳафсала одамларни кўриб, қўнглимиз хира тортиди.

Улар қачон қиш уйқусидан уйғонишар экан-а?! Жумладан, "Майлобод", "Лола-арик", "Кўлота", "Саид-обод", "Чимқўрғон", "Гулистон" маҳаллаларидаги хонадонларда бўлганимизда, қопилмаган, бир гийҳ ҳам экилмай, ташландиқ аҳволдаги ерларни кўриб, ачиндик.

Маҳалла фаоллари улар билан тушунириш ишлари олиб боришмоқда. Унутмайлик, кетмони зангалаган хонадонда барака бўлмайди.

Шонра ШОМАТОВА,
Манзура РУСТАМОВА

Кўнжак мактуб: Пластик карта банкнинг мулки...ми?

Кўп сонли банк мижозлари талабига мувофиқ ушбу таълимолди. Мамлакатимизнинг деярли барча фуқаролари банк пластик карталаридан фойдаланишмоқда. Лекин, бир нарсага тушунаймам, нима учун пластик карта-лар мундталий қилиб қўйилди? Нега мундталий тугагандан кейин банк мижози пластик рақами ишламай қолади. Ахир, бунинг ортдан, яъни пластикни қайта сошлаб олиш учун мижоз

камида 3-4 кунини йўқотаяпти-ку! Банкларлар нега хануз эскича ишлашмаяпти? Барча юмушлар электрон муносабат тусини олган ҳозирги тезкор замонда шу нарса мумкинми? Ахир, пластикни бузилган ёки йўқолган мижоз барибир ўзи билиштирилган банкка шундоқ ҳам муносабат қилади-ку! Мундталийдан мантқиқ нима? Банкка боргандан кейин ҳам ўша банк ходимларининг муомала маданияти эскича. Мижоз

айрим банк ходимларининг қўпол ва менсиммаган муомаласига дуч келади. Бу қачонгача давом этади. Ёки банк ходимларига маънавий дарслари ўтилмайди? Агар банкка мижоз пластикнинг чипи қуйиб ёки бирор носозлик сабабли бериб қолса, унинг йўқотилган вақтини кўринг! Банкнинг ўша мутасадди бўлими компьютерида кўриб турган бўлса ҳам фуқаро паспортини қайта-

қайта кўриб чиққандан кейин ва керакли қоғозларни расмийлаштириб бўлиб, яна 30 000 сўм жарима тўлашсиз, дейди. Пластикни банк берган бўлса, яна нима учун мижоз жарима тўлайди. Нима, банкларнинг ўз хазинасини қўпайтириб олиш йўлими бу? Жарима деб олинмайдиган 30 000 сўмга кўрсатилган хизматни ҳам очиб беришса яхши бўларди...
Кўп сонли мижозлар номидан
Шукр ЖАББОР
@haqiqatonline

ЯХШИ ЯШАШ ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ҚЎЛИДА!



Кенг пайкалда сарғиш тусга кириб ҳосили тўла пишиб етилган, лекин ҳали ўроқ тушмаган галлазорни ҳеч кузатганмисиз? Кўёш нуридан товланиб турган бугдойзорлар ҳар қандай кишига завқ бағишлайди... Ёки кимнингдир томорқасида пишиб етилган мева-лар, барқ уриб турган сабзавотларни кўр-ганингида кўнглингиздан қандай ўй-хаёллар ўтади? Шу икки ажиб манзарада мўлчилик, маъмурчиликнинг сурати чизилгандек, гўё...

Газетамизнинг ўтган сонидида вилоятимиз фермерлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига ҳамда деҳқон, томорқа ер эгаларига мурожаатлар эълон қилинди. Биз соҳа вакиллари бу борадаги фикрлари билан кизикдик.



Бугуннинг гапи

Галла парваришида долзарб 90 кунлик

Абдуғаффор АҚРОМОВ, Чиноз туманидаги "Уринбойхожи" фермер хўжалиги раҳбари:

"Тошкент ҳақиқати" газетасида чоп этилган мурожаатни муҳим даъват сифатида қабул қилдим. Ҳатто, рамкага солиб, шийпонимиз деворига илб қўйдик. Дарҳақиқат, бугун деҳқоннинг ерга бўлган муносабати тубдан ўзгарган. Боиси, кейинги йилларда фермерлик ҳаракати ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиб, тизимга қўллаб имтиёзлар жорий этилмоқда. Шу боис, фермерлар ва барча дала меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлиги йилдан йилга ортмоқда. Масалан, мурожаатда таъкидланганидек, фермерларни рағбатлантириш учун 2019 йилда бугдойнинг ҳар бир тоннаси учун 1 миллион 200 минг сўм ёки ўтган йилга нисбатан 1,6 баробар юқори харид нархи белгиланди. Юқори ҳосил олган фермерларга давлат харид нархи 25 фоизгача, яъни ҳар бир тонна дон учун 300 минг сўмгача устама қўллаш тизими жорий қилинди.

Мурожаатда ёш фермерларимизга эслатмалар қаторида, оғоҳликка чорлов ҳам борлиги аҳамиятли. Қайд этилганидек, шу кунларда ҳаво ҳарорати 15-18 даража илқ бўлаёпти. Бу эса айни дамларда ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келувчи омилларга қарши курашиш зарурлигини англатади. Шу билан биргаликда мутахассислар тавсияларига ҳам диққат қилиш керак. Хусусан, қишлоқдан чиққан галла илдизининг яхши ривожланишида оби-тобида сугориланиш аҳамияти катта. Колоқ, ривожланишдан орқада қолаётган майдонларни "шарбат" усулида сугориш галла ривожини икки мартага тезлаштиради.

Фозил РИХСИБОВ, Янгийул туманидаги "Топил қизи Туймажон" фермер хўжалиги раҳбари:

Мурожаатни ўқиб, кўнглим кўтарилди. Унда таъкидланганидек, ўз тақдирини деҳқончиликдан айро тасаввур қила олмайди-ган фермернинг жойи бугун далада! Деҳқончиликдаги кўп йиллик тажрибамга таяниб айтадиган бўлсам, ер билан тиллашининг ўзи бўлмайди.

Хўжалигимиз ер майдони 111 гектар бўлиб, шундан 68 гектарига галланинг "Таня" навидан экканмиз. Бу нав совуққа, касалликка чидамли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уни 12 йилдан буён экиб келаемиз. 2015 йили ҳаво ҳарорати -10 даражачага пасайиб, аксарият фермерларнинг галласи нобуд бўлган эди. Аммо, шу навни экканлигим боис, бизникига зарар етмади. Аксинча, ўша йили юқори ҳосил олдик. Гектарига 70 центнердан дон тўкканимизга кўнглим ҳатто, ҳайрон қолганди.

Биз, жамоамиз билан аллақачон далага чиқиб, ишни бошлаганимиз. Мақсадимиз - Президентимиз билдирган ишончни оқлаб, халқимиз дастурини тўкин-сочин бўлишига ўз ҳиссамизни қўйиш!

Худойёр БОТИРОВ, Пискент туманидаги "Худойёр" фермер хўжалиги раҳбари:

Кўпни кўрган деҳқонлар яхши билишадики, галла ҳосилининг мўл-кўл бўлиши кўп жиҳатдан айни бугунги ҳаракатга, экин парваришидаги агротехник талабларнинг оби-тобида, рисоладагидек ўтказишга боғлиқ. Зиммамизда мамлакатимиз озик-овқат хавфсизлигини таъминлашдек муҳим вазифа турибди. Бу масъулиятни чуқур англаб етган фермер, албатта, галла парваришини тизимли ташкил этиш ва ҳосилга-ҳосил қўйиш учун ўз ишига ҳар қачонгидан ҳам жиддий ёндашади.

Мурожаатда ўтган йили об-ҳаво ўта иссиқ ва қуруқ келгани, жойларда сув танқис бўлгани учун, аксарият фермерлар мўлжалдаги ҳосилни олишолмагани таъкидланган. Шукрки, синовли йилда бизнинг юзимиз ёруғ бўлди.



Бу мавсум ҳам 25 гектар ерга галланинг "Гром" навиди яхши ниятлар билан экидик. Агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказаямиз. Бунинг учун шароитларимиз етарли. Айни вақтда баравж ривожланаётган бугдойларимизни қўриб, қувонганимиздан бу йил қанча даромад олишимиз мумкинлигини чамалаб кўрдик.

Жумладан, 2019 йилда бугдойнинг харид нархи сезиларли даражада ошди, устама қўллаш тизими жорий қилинди. Хомчўт қилиб кўрсак, даромадимиз 200 миллион сўмдан ортиб кетар экан.

Мана шундай эътибор, рағбат бор жойда яхши ишламаслик уят-

СОНДА БОРУ САНОҚДА ЙЎҚ БОЛАЛАР...

ФХДЭ органларининг тизимли текшируви мамлакатимиз демографик статистикасида жиддий камчиликлар борлигини кўрсатди. Очиги, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамай, туман марказларида четда жойлашган аҳоли пунктларида, турли сабабларга кўра, ота-оналар туғилган чақалоқларни рўйхатдан ўтказмагани, шунингдек, никоҳ ришталарининг тегишли тартибда расмийлаштирилмагани кузатилаётган.

Жараён

Юридик нуқтаи назардан олсак, мазкур ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги фуқароларни қонуний ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилади. Масалан, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома бўлмаса, болани боғчага расмийлаштириб бўлмайди, у мактабга таълим олмайдди.

Маъмур муаммоларни бартараф этиш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йилда 12 июнда "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини яна-

да такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарор қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжатда 2019 йил 1 июлга қадар республика бўйлаб тегишли тартибда қайд этилмаган туғилганлик ҳолатлари аниқланиши ва тўлиқ хатловдан ўтказилиши белгиланган.

Қарор ижроси юзасидан вилоятимизда ҳам қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоят давлат хизматлари агентлиги бошқарма-

си, ҳокимлик, хотин-қизлар, ФХДЭ, халқ ва мактабгача таълим бўлимлари, туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда бошқа манфаатдор органларнинг вакиллари билан иборат махсус ишчи гуруҳ шакллантирилди. Улар барча туман ва шаҳарларда уйма-уй юриб, камчиликларни аниқлаб, аҳоли ўртасида тушунириш ишларини олиб боришди. Тадбирлар давомида айрим сабабларга кўра, туғилганлиги қайд қилинмаганларнинг ҳуқуқи тикланди.

Жумладан, ўтган йилнинг июлидан жорий йилнинг февраль ойи якунигача вилоят бўйича жами 912 нафар бола туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлди.

Маълум сабабларга кўра, фарзандларимизга ўз вақтида гувоҳнома олмагандик, - дейди Тошкент туманилик Г. Файзиёва. - Болаларимизни боғча, мактабга жойлаштиришда қийналганмиз. Яқинда мутахассислар уйимизга келиб, ҳуқуқий маслаҳат беришди. Уларнинг ёрдами билан уч болаам ҳам туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олдик.

Г. АҚУБОВА, Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси шўъбаси бош маслаҳатчиси

"SERGELI KREDIT" МЧЖ

Хизматлар МБнинг 12 март 2011 йилдаги 63-сонли лицензияси асосида лицензияланган Юридик манзил: Ташкент ш., Сергели тумани, Сергели-2, 1, 65.

Жамиятнинг 2018 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига		Пассив	Йил охирига	
		Йил бошига	Йил охирига		Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	38527,1	22396,21	Устав капиталли	228350,0	500000
2	Узоқ мuddатли инвестициялар			Қўшилган капитал		
3	Капитал қўйилмалар			Резерв капитал	41703,3	82450,8
4	Товар-моддий захиралари	8585,89	7058	Тақсимланмаган фойда	2780156,5	2857804,8
5	Дебиторлар	495311,0	590123,7	Мақсадли тушум ва фондлар	266357,4	647581,7
6	Пул маблағлари	192238,13	240582,8	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар		
7	Қўсқа мuddатли инвестициялар	2581905,0	3225820,0	Узоқ мuddатли мажбуриятлар		
8	Бошқа жорий активлар		1856,6	Жорий мажбуриятлар		
	Жами, активлар	3316567,14	4087837,3	Жами, пассив	3316567,14	4087837,3

Жамиятнинг 2018 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

Кўрсаткичлар номи	Даромад		Харажат
	Даромад	Харажат	
Махсулот сотишдан тушган соф тушум	2766460,1	2783069,2	
Сотилган махсулотлар таннархи			
Махсулот сотишдан тушган ялпи фойда	2766460,1	2783069,2	
Давр харажатлари, жами:	521920,2	510151,6	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	812083,2	602780	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	3056623,1	2875697,6	
Фоизлар шаклидаги харажатлар		0,0	
Даромад солиғи тўлашдан қадар фойда	3056623,1	2875697,6	
Даромад (фойда) солиқ	230152,63	403266,8	
Фойдалан бошқа солиқлар ва йиғимлар	226117,64		
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	2600352,8	2472430,8	

Жамиятнинг 2018 йилги молиявий-ҳўжалик фаолияти якунлари шаклидаги "TRANS-AUDIT-A" АЖ аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

Оҳангарон асл қорабайир зотли отлар макони, ориятли чавандозлар юрти. Унинг минг йиллар кучоғида тобланган, нечалаб учқур саманларга зот берган бедовлар бор. Оҳангарон отлари, Оҳангарон чавандозлари давлат курган, давлат қўрғонларнинг ворисларидир. Шунданми, тулпору чавандознинг томиларида улугворлик, аслзодалик, виқор бор.



риб, қирда от чоптириб келатган чавандозга мухлис бўлганингизни сезмай қоласиз шу тобда. Ана, марра! Оз қолди! Кимдир орага кириб, чавандоздан улоқни тортиб олмоқчи бўлди! Давра норози оҳангда: "Уввв", дейди, "Торт қўлнинг", "Тайёрига айёр бўлмоқчи", дейди ўша чавандозга қарата! Ўшанглар хуштак чалади. Бизнинг чавандоз эса от ёлига чирмашиб-чапишиб, тақимига улоқни маҳкам қистириб, маррага ошиқади...

ҚОРАБАЙИР - ШАКАГА СИҒМАГАН АЛАНГА



ди, томошабинлар ўзига боп жойни топиб, тезроқ хотиржам ўрнашиб олишга ошиқади. Баковул тўй бераётганларнинг шаънига сўз айтиб, кўпкари қондаларини боз уқтириб, биринчи маррани эълон қилди ва охирида хайкириб аҳли даврага сўзлайди: - Полвон, зотингни ҳалоллаб оласан! Ке-е-етди. Улоқ ўртага ташланди. Заминни отлар дуқури қолайди. Халослаган чавандозлар, минглаб томошатаблар юрак ҳовучлаб ўйиннинг буромаду даромадига син ташлаб ўтиради. Ҳамма-нинг тилади, дили-бир гап: "Қани, бу гал улоқ кимда кетаркин?". Очик айтимасан ҳам, Тошкент вилояти ва унга ёндош ҳудудларда ўтадиган улоқ-кўпкари мусобақаларида Паркент, Пискент, Ангрэн, Олмалик, Сирдарё вилояти, Қўқон шахрининг ўзаро рақобати кузатилади. Бир гал солим олишда ангрэнликлар олғирлик қилса, яна бир уришда Олмалик чавандози ғолиб келади. Биз улоқ ҳақида ҳикоя қилаётган эдик. Бўстонлик адирларида эса улоқ ҳали давом эта-япти. Чавандозлар тигиз айлана-япяти, отлар кишнапяти, қамчи зарбидан кўкка салчипта, ниҳоят, улоқ тўдудан айрилди, кимдир зот айирди, томошабин бир қалқиди... ..Оломон энтиқиб, ҳаяжон билан, ер бағирлаб манзарага боқади, улоқни тақимга бости-

Йилкига меҳр қўйганлар билади - Марказий Осиё тегра-сида ҳар ўн-ўн беш йилда бир от машҳур бўлади, давраларда тилга тушади. Қизиқанлар, қизиқанлар қадамдан ўт чақна-ғич бу тулпорга нарх бичади - ўнта уйнинг пули, йигирмата машинадан қиммат...

Узоқ-яқиндан эшитиб келамизки, Ракета, Досвидания, Император, Довкар, Юлдуз лақабли улоқчи отлар яқин ўтмишда ва бизнинг кунларда давраларда чавандозига эл бўлиб, туман шарафини ҳимоя қилаяпти. Улоқчилар юрти - Жиззах томонларда ўтган кўпқарида Император лақабли тулпор зўрларнинг зўри, деб бир неча марта эътироф этилди. Пискентда ўтган катта бир улоқ-кўпқарида Досвиданиянинг омади чоғди. Довкар ҳам бўш келмапти. Хуллас, кўз тегмасин, бугун Оҳангарон улоқчи отларининг қанот боғлаб, елдек чопишига ҳавасмандлар кўп.

Тўғри, бугунги улоқ-кўпқари ҳам минг йил аввалгисидан кески: фарқ қилиши шубҳасиз. Қачондир эр йигитнинг яқкаш орияти, номуси ҳисобланган бу халқ ўйини айни пайтда жамоавий спорт турига айланиб улгурмоқда. Чилвер боғлаб, жамоа бўлиб, гирром кўрсатишлар ҳам учрайди. Андиша юзасидан ёки бошқа бир сабабга кўра, амалдору пулдор аяхоннинг отини қўллаб юбориш "таомили" ҳам пайдо бўлган. Шунга қарамай, бу ўйиндан ҳали ҳалоллик юз ўғиргани йўқ.

ги аъзолари билан учрашиб қолдик. Улар ҳам кўпқарига яхши ниятлар билан отланди, 10 та улоқчи, чопагон бедовни саралаб-сайлаб олиб кетишгаётган экан. Шундай қилиб, йўлнинг танобини тортиш учун фермер хўжалиги фаоли Бегзод ака Рис-

Бир неча йиллар олдин танишим совчилик агентликлари ҳақида интернетдаги эълонни кўриб, қизиқиб, уларга кўнғироқ қилган эдик. Бу қизиқш унинг бошига бало бўлди. Агентлик вакиллари танишимга кўнра номзод келинларнинг расминни юборар, улар билан учрашишга ундарди. Ҳоли-ҳонига қўйишмаганидан сўнг, бирикки бор, ноилжоз қизлар билан ҳам кўришди. Хуллас, бунинг ортидан бечора кўпгина машамаларни бошидан кечирди...

Биз мазкур воқеани бекорга эсламадик. Чунки, бугун совчиликнинг янги кўриниши пайдо бўлибди. Аниқроқ айтганда бўлса, уйланмоқчи бўлган йигитлар, энди келинни телеграмм орқали топиши мумкин...

(узр, кўпол бўлса ҳам айтаман) шунчалик "эрсираб" қўлишган бўлса... Қадриятларни оёқости қилиш, менталитетимизга умуман ёт бўлган бу совчилик ниқоби остидаги (минг бор узр) "қўшма-чилик" қаердан пайдо бўлди, ўзи. Аслида дарди пул бўлган опаларимиз, бу ишларни қизларнинг бахтини ўйлаб қилаямиз, деб ўзларини оқлашади ҳам.

Мулоҳаза КҮЁВНИ ТЕЛЕГРАММДАН ҚИДИРМАНГ!

Яқинда маълумот кидириб интернетга кирсам, "Toshkentli sovchilar" телеграмм каналига қўшилиш, деган эълон чиқиб қолди. Каналдаги СМСларни ўқиб, ёқангизни ушлайсиз. Бу ерда нафақат турмуш қурмоқчи бўлган қизлар, балки ажрашган аёллар ҳақида ҳам маълумотлар оласиз. Хоҳлаган инсон белгиланган анкетани тўлдириб, ўз номзодини таклиф қилади. Каналда барча ёшдаги хотин-қизларни учратасиз. Номзоднинг бўйи, ёши, вазни, ранги... қандай инсонга тегмоқчи эканлиги ҳақида аниқ ёзиб қўйилган. Бўлгуси келиннинг рекламаси жойлаштирилган. Ачинарлиси, она ўз қизини, опа синглисини, хола ва аммалар жиянларини таклиф қилишмоқда. Бу қандай савдо экан-а...

Тўғри, ҳозир ёруғлик тезлигидаги ривожланиш даврида яшаймиз. Одамлар турмуш тарзи, дунёқараши ҳам шунга яраша ўзгараётти. Аммо, бу азалдан сайқалланиб келган урф-одатларимиздан воз кечи-б, бошқа юртлар маданиятини ўзлаштириш керак, дегани эмаску.

Биласиз, совчиликнинг, келин кидиришининг ўзига хос ёзилмаган қонун-қоидаси, қолаверса, гашти бор. Лекин, ўша телеграммдаги анкеталарни ўқиркансиз, баъзи изоҳлардан тепа сочингиз тикка бўлади. Ҳозир ҳар бир қизнинг қўлида шапалоқдек телефон. Улар шу каналларга кириб, уларга таклиф қилишса-чи? Тасаввур қилинг, сизнинг қариндошингиз, қолаверса, синглингиз, қизингиз телеграмм орқали ўзига... эр кидирса... Бунга, ҳатто ёзишга ҳам уялади одам.

Бизга нима бўлаяпти ўзи? Қаёққа қараб кетаямиз? Бу хорж сериалларнинг тасвирини десак, бизниқилар улардан ҳам ўзиб кетишди-ёв...

Наҳотки, айрим қизлариз

Хумоюн ҚАМБАРОВ

«Саодат сайлига савоб керакдир, Кўнгилинг майлига китоб керакдир...»

Кўриб турганингиздек, бу мажмуа асосан маърифий мақсадни қўзғаб бино бўлган, - дейди паркентлик меҳнат фахрийси Туроб Ҳолтоев. - Китоб мажмуасидан ташқари, бионинг иккинчи ва учинчи қаватларида ўқув маркази, мактабгача тарбия маскани ҳам ташкил этилади. Демакки, бутун мажмуа фарзандларимиз тарбияси, камолоти-га хизмат қилади.



Китоб дўконда 10 минг нусхага яқин бадиий, сиёсий, диний, маърифий, тиббий, ўқув қўлланмалари, болалар адабиётига мансуб китоблар мажмуа экани қувонарлиқдир. У бадиий адабиётлар, илмий-сиёсий рисо-солалар, болалар ва оила кў-тубхонаси каби алоҳида бўлма-ларга ажратилган.

Дарвоқе, мажмуа ертўласида қаттақон қандолатчилик корхо-наси иш бошлаш арафасида.

Уни хорижнинг энг илғор қандолатчилик ускуналари билан жиҳозлашмоқда. Яқин орада цех ишга тушган, паркентлик яна ўнлаб ёшлар доимий иш жойига эга бўлади.

Маърифат маскани пойида ишлаб чиқариш корхонасининг жойлаштирилиши бежиз эмас. Гап шундаки, бундай катта мажмуани қуриш ва жиҳозлаш учун қаламининг учи билан кун кўра-диган шойрда маблағ қайда?! Шу боис, лойиҳа рўёби учун ти-жорат банкининг қарийб 1,3 миллиард сўмлик кредитига

таянилди. Мақсад - олинган кредитларни ишлаб чиқариш даромадлари ҳисобидан қоп-лаб, аҳолига китобларни им-кон қадар арзон нарҳларда ет-казиш, шу тариқа зиё масканининг сақлаш харажатларини ушлаб туриш. Оқилона ечим! Умид қиламизки, мазкур мажмуа нафақат Паркент аҳли, балки бу ерга келувчи минг-лаб сайёҳлар, меҳмонлар учун ҳам ҳар томонлама қулай, маънавий озуқа берадиган маскан бўлиб қолади. Қолаверса, бу ерда ёшларимиз, адабиёт ихло-сомандлари, умуман, китобсе-варлар учун турли маънавий-маърифий кечалар, кўнгилоҷар дастурлар, шоир ва ёзувчилар билан адабий мулоқотлар ўтқа-зилади.

Мажмуани фойдаланишга топ-ширишга бағишладим ташкил этилган маросимда вилоят ҳокими Фулможон Ибрагимов сўзга чиқди.

Ф. РАҲМАТУЛЛАЕВ



Яқинда ўзининг қутлуг ўшини қаршилаган Ўрта чирчиқлик Маҳмуджон Раимбеков узоқ йиллар ҳуқуқ-тартибот идораларида самарали меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган адабиёт илхосмандларидан. Бадиий ижод билан фаол шуғулланиб келётган меҳнат фахрийсининг қўллаб қорамалари газетамизда ёритилган. Унинг «Қилин қирқ ғиби...», «Ҳақиқат қарор топди» каби китоблари аллақачон ўз ўқувчиларини топган. Фаол муаллимимизни қутлаб, янги ижод намуналаридан бирини тақдим этмоқдамиз.

МЕҲМОНГА БОРИШ "ҚОИДА"СИ

Яқинда иш билан Телов томонга ўтгандим. Туришган акам ўша томондаги қишлоқлардан бирида оиласи билан яшайди. Йўл-йўлақай акамни ҳам йўқлаб кетай деб, уларнинг кўча-сига бурилдим. Дарвозалари очик экан, қариндош бўлганим учун тақил-латиб ўтирмай, тўғри ичкари кирдим. Уй эшигига яқинлашганимда келин-ойимнинг зардали овози эшитилди: - Сизга уйку бўлса бўлди, бундай бозорга чиқсини, рўзгорга у-бу то-пиб келишини ҳам билмайсиз...

мол-ҳол ҳайдаб далага чиқиб кетишгандир, деб ўйладим. Орадан 15-20 дақиқалар ўтгач, келиноним ас-чадан бери юлғаман эскироқ дастурхонни тўшаб, икки дона суви қоч-ган тандир нон билан беш-олти дона туршқ қўйди ва чой дамлаб келиб, акамнинг олдида иккита пиёлани тарс эткизиб қўйиб кетди. - Шаҳардан қайнинг келиб қолиб-ди, ҳар кун келатгани йўқ, овқат-повқат қилиб юборсанг бўларди, - деди акам ортидан. - Қизик гапирасиз-а? Уйда на кар-тошка бор, на пиёз. Яхшиямки нон билан чойимиз бор, - деди келино-йим эшикдан бошини суқиб. - Овқат емаган жойимизми? - ва-

зиятни юмшатиб, акамни юпатган бў-дим. Бир-икки пиёла чойдан кейин ту-ришга ҳозирландим. - Кўрдим, соғ-саломат экансизлар. Сизлар ҳам боринглар биз томон-ларга. Акам билан хайрлашиб тургандим, ҳовлида шовқин эшитилиб қолди. Акам икковимиз ҳовлига чиқдик. Қарасак, келиноийимнинг катта ука-си Фанижон хотини билан меҳмонга келишган экан. Келиноийимда бояги тундикдан асар ҳам йўқ. Худди лутереяга "Нексия" ютиб олгандай хурсанд. - Ҳой, دادаси, Фанижонлар келиш-ди, уйга бошламайсизми меҳмонлар-

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ, ҚИШЛОҒИМИЗГА

Поликлиникамизнинг яна бир фарқли жи-хати шундаки, бизда электрон регистратсия ташкил этилган. Ҳар бир фуқаро қабулхона-га келиб, қайси шифокорга кўринишини айтиб, рўйхатга туради. Унинг маълумотла-ри ўша шифокорга юборилади. Қисқаси, ҳеч бир бемор қўлида касаллик варақасини кўта-риб, эшикма-эшик сарғайиб юрмайди. Бе-морнинг маълумотлари электрон сақланади.



Ҳа, бир пайтлар ҳатто совуқ сув ҳам муаммо бўлган бу масканда ҳозир иссиқ ва совуқ сув узлуksиз бор. Поликлиникани кўздан кечирар эканмиз, аҳолига яратилган шароитларга ҳавас-симиз келди. Бейхитрий ҳаёлимиздан қани энди мамлакатимиздаги бошқа марказий шифохона-лар ҳам шундай бўлса, деган фикр ўтди.

Боғчамисан боғча экан

Гагарин шаҳарчасидаги 2-сонли мактабгача таълим муассасасини кўрдиму бунақаси ҳали бизнинг туманда қурилмаган, дедим. Боғчани ортиқча таърифлашнинг ҳожасти йўқ. Шиддат билан ўзгараётган техника асрида жажжи бо-лажонларга нима ўргатиш керак бўлса, нима зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё. Ҳатто, хоналар-даги гулгоқозларнинг ранги ҳам болаларнинг фикрлаш доирасига мосланган. Бир вақтлар ташландиқ аҳволда бўлган бу боғчада бор-йўғи 70 нафар бола тарбияланган бўлса, ҳозир уларнинг сони 280 нафарга етган. Мазкур мактабгача таълим муассасасини шу холга келтириш учун тўрт ярим миллиарддан ортиқ маблағ йўналтирилган.

Хуллас, Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани, Гагарин шаҳарчасига қилган бир кунлик сафа-римизда кўп нарсаларнинг гувоҳи бўлдик. Бундан уч йил олдин хараба холда бўлган ба-рақлар ўрнига кўп қаватли тураржойлар қурилиб, кам таъминланган ва уй-жойга муҳтож оилаларга берилибди. Бугун мамлакатимизда жуда катта бунёдкор-лик ишлари кетмоқда. Ҳар бир вилоятнинг марказий туманларини замонавий қиёфага кел-тириш учун давлат бюджетидан саккиз мил-лиард сўм маблағ ажратилмоқда. Буларнинг барчаси халқимиз эртага эмас, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун қилинаёпти. Зеро, дав-латимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Инсонлар-нинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш, ода-мийликнинг энг олий мезонидир".

Фулможон МИРАҲМЕДОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат

Advertisement for 'TASVIY OYINA TAKLIF QILADI' featuring a banner for 'ORAKALGA CHOP ETISH' and a car image. Contact numbers: 99 888 86 54, 91 355 01 54.

Table with contact information for 'TOHKENT HAKIQATI' newspaper, including phone numbers, email addresses, and subscription rates.